2003 YIL 13 MAY, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№62 (6.587). Sotuvda erkin narxda

## ХОТИРА ЧИРОҒИ ЎЧМАГАЙ...

***9 май куни пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонига уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, қалбида ўтган авлодлар хотирасига, нуронийларга ҳурмат ва эҳтиром жўш урган ёшлар йиғилди.***

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида, Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

- Бугун халқимиз ўзининг инсоний бурчини бажо келтириб, уруш жангу жадалларида ўз юрти ва яқинларини, жонажон Ватанини ҳимоя қилиб ҳалок бўлганларни, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаганларни эслайди, уларнинг ўлмас хотираси олдида бош эгади,- деди Ислом Каримов. - Биз Хотира майдонини зиёрат қилиб, муқаддас Она сиймоси олдида таъзим бажо келтириб, мана шу майдондаги лавҳаларга олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган уруш қурбонларининг номларини кўз ўнгимиздан, қалбимиздан ўтказамиз, уларнинг хотирасини ёдга оламиз. Уларнинг арвоҳларини шод этиш учун дуои фотиҳалар қилиб, ўз инсоний бурчимизни адо этамиз.

Юртбошимиз шунингдек, кексаларни қадрлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, ўзбек халқига хос бўлган юксак инсоний фазилатларни кўз қорачиғидек асраш лозимлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

# «МЕН ЎЗБЕК ШОИРИМАН...»



***Мамлакатимизда миллий адабиётимиз, санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиёти йўлига бағишлаган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг кўплаб улуғ фарзандлари номини тиклаш, қадрини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли хайрли ишларнинг самарасидир.***

Истиқлол йилларида номи муносиб равишда қадр ва эъзоз топган, хусусан, давлатимиз раҳбари Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган ана шундай ватандошларимиздан бири - атоқли ўзбек адиби, академик Ғафур Ғулом таваллудига 100 йил тўлди.

Таъкидламоқ жоизки, мамлакатимизда адиб юбилейига катта тайёргарлик кўрилди. Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори қабул қилинди. Ана шу қарорга мувофиқ Тошкентнинг Арпапоя кўчасидаги Ғафур Ғулом уй-музейи қайта таъмирланди. Асарлари қайта нашр этилди. Шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисолалар босмадан чиқди.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ишлари вазирлиги адиб ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун эълон қилган танловда ўттиздан зиёд профессионал ҳамда ҳаваскор ҳайкалтарош ўзининг ижодий иши билан қатнашди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги хушманзара боғда энг муносиб деб топилган лойиҳа - ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ва архитектор Валерий Акопжанян ижоди асосида Ғафур Ғулом ҳайкали қад ростлади.

10 май. Адиб ҳайкали ўрнатилган боғ байрамона безатилган.

Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, шоирнинг мухлислари, жамоатчилик вакиллари, қариндош-уруғлари йиғилди.

Соат 9.45. Тантана иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб олди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломнинг ҳайкали очилишига бағишланган маросимни Тошкент шаҳри ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов очди.

Сўз Президент Ислом Каримовга берилди.

- Бугун Ўзбекистонимизнинг маданий ва маънавий ҳаётида катта бир воқеа, - деди давлатимиз раҳбари. - Бугун халқимиз ўзининг севимли шоири, буюк адибимиз, академик Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйини нишонламоқда.

Домла Ғафур Ғулом шахси, хотираси ва мероси ҳақида гапирганда, биз бу улуғ инсонни, аввало кенг, том маънода халқ шоири деб қиёс этамиз, унинг ўлмас номи ва сўнмас ижоди олдида бош эгамиз.

Халқимизнинг асл табиати, теран маънавиятини, орзу-интилишларини ҳақиқий ўзбекона тил ва тафаккур билан ифода этган, адабиётимизнинг яқин тарихида камдан-кам топиладиган Ғафур Ғуломдай беназир ижодкор кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Ўз сиймосида халқни халқ, миллатни миллат қиладиган эзгу фазилат ва аломатларни мужассам этган бу забардаст сўз санъаткори «Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман» деганида мутлақо ҳақ эди.

Ғафур Ғуломни биз авваламбор Ўзбекистонимизнинг табаррук тупроғини жон-дилидан севган, ўз тақдирини она юрт тақдири билан чамбарчас боғлаган, бошига дўпписини дол қўйиб, жаҳонга бағрини кенг очиб, ўзининг оддий ва соддалиги, айни пайтда буюклиги билан ажралиб турадиган инсон сифатида тасаввур этамиз, дея таъкидлади Юртбошимиз.

Ғафур Ғулом ижодининг яна бир ажойиб қирраси - муқаддас Ватанимизни улуғлашда, бепоён ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқлари, тоғу тош ва дала-даштларида яшайдиган одамлар қалбида она юртга муҳаббат ва ғурур-ифтихор уйғотишда айниқса яққол кўринади.

Ўз халқининг шаъни ва обрўсини дунёга тараннум этишни, керак бўлса, уни ҳимоя қилишни дил амри, виждон иши деб билган Ғафур Ғуломнинг шўро давридаги турли тазйиқларга қарамай, «Қадим ўзбек халқисан, асл одам авлоди, Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир» дея баралла айтган сўзлари ҳар биримизнинг ғururимизга ғурур, фахримизга фахр қўшади, албатта.

Ўйлайманки, унинг юртимизни, миллатимизни камситмоқчи бўлган айрим кимсаларга қарата, бизнинг аждодларимиз логарифманинг мураккаб масалаларини ҳал қилган пайтда, сизларнинг отабобонгиз ўн бармоқни ҳам санай олмасди, деган шеърий жавобини бугун ҳам кўпчилик яхши эслайди.

Коммунистик мафкура ҳукмрон бўлиб турган мустабид бир замонда мана шундай дадил фикрларни айта олган буюк шоирнинг маънавий жасорати олдида таъзим қилсак арзийди.

Ғафур Ғулом ҳақида сўз юритганда, биз аввало бу инсонга худонинг ўзи ато этган яна бир хусусиятни - унинг табиатига хос бўлган юксак инсонпарварлик фазилатини айниқса қадрлаймиз, - деб сўзида давом этди мамлакатимиз раҳбари. - Миллатимизнинг қонига, суяк-суягига сингиб кетган бундай эзгу туйғуларни зўр маҳорат билан баланд пардаларда куйлаган бу улуғ ватандошимизнинг ижоди шу боис ҳам жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида шуҳрат қозонган.

Ғафур Ғулом ўзининг «Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим» деган шафқат тўла сўзлари билан Иккинчи жаҳон урушида ота-онасиз қолган, турли миллат ва элатга мансуб бўлган минглаб етим болаларнинг бошини силаган ўзбек халқининг бағрикенглигини, чексиз меҳру саховатини бутун дунёга кўрсатиб берди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ғафур Ғуломдек буюк зотнинг ижодий мероси ҳақида, унинг беқиёс аҳамияти ҳақида кўп гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Буни шоир ижодининг мухлислари бўлган сиз азизлар яхши биласиз,- деди Юртбошимиз. - Бугун Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан Ўзбекистонимизнинг олис-яқин барча жойларида адабиёт ва санъат аҳли, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз илмий анжуман ва мушоиралар, учрашув ва хотира кечалари ўтказиш орқали бу улуғ инсонга ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этмоқда.

Шоир туғилиб ўсган, ўзи чексиз меҳр билан улуғлаган азим Тошкент шаҳридаги энг чиройли боғда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар билан доимо гавжум бўладиган гўзал масканда қад ростлаган мана шу улуғвор ҳайкал ҳам халқимизнинг Ғафур Ғулом даҳосига бўлган ҳурмат ва эҳтиромининг яна бир тимсолидир.

Йиллар, асрлар ўтади. Ишонаманки, келажак авлодларимиз Ғафур Ғуломнинг ҳали кўп-кўп таваллуд тўйларини нишонлайди,- қайд этди Ислом Каримов. - Шубҳа йўқки, бу улуғ зотнинг Ватанга садоқат, ҳаётга, инсонга муҳаббат туйғулари билан йўғрилган бетакрор асарлари янги наслларнинг ҳам маънавий-руҳий шаклланишига, ёшларимизнинг камолотига хизмат қилади.





Фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш ва шу ҳаётдан баҳраманд бўлиб яшашида доимо ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб туради.

Ва бу буюк шоир яқин тарихимизда яшаб ўтган ўнлаб маданиятимиз намояндалари қаторида ўзбек адабиёти ва санъатининг ёрқин машъали бўлиб қолади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, - деди Президентимиз пировардида. - Ғафур Ғуломнинг асарлари, номи ва хотираси боқий бўлсин.

Давлатимиз раҳбари шоир ҳайкали қад ростлаган ушбу боғни Ғафур Ғулом номи билан аташ таклифини билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ғафур Ғуломнинг қизи Олмос Аҳмедова, адибнинг ўғли Хондамир Ғуломов, ёш шоир Иқбол Мирзо бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни тиклаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш, асраб-авайлаш ва улуғлаш йўлида кўрсатаётган катта ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Тадбир якунида Президентимиз Ғафур Ғулом ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

***

**СУРАТЛАРДА:**
**тантанададан лавҳалар.**
А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

### ҚАДР

*Қадрин билган элда топажак қадр*
*Халқин улуғлашга бахшида калом.*
*Ўз боқий умридан яшаб бир аср*
*Буни исботлади Ғафур ал Ғулом.*

*Муаззам Тошкентнинг кўркам боғида*
*Забардаст ҳайкали қад керди мағрур.*
*Мумтоз шеъриятнинг ўктам боғида*
*Мангулик касб этди олмосдай шуур.*

*Нурли орзулари бугун ҳамоҳанг,*
*Нурли истиқлолнинг эркбахш сасига.*
*Айланди ҳайкали жой олган маскан*
*Ўзбеклар қалбининг андозасига.*

**Ҳабиб САЪДУЛЛА**
2003 йил, 10 май

***Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган халқ эҳтиёжи моллари аҳоли талаб ва истакларини қондиролмаяпти. Маълумотларга қараганда, трикотаж маҳсулотларининг 75 фоизи, пойафзал маҳсулотларининг 50 фоизи, хўжалик молларининг қарийб 80 фоизи четдан савдо тармоқлари орқали келтирилмоқда. Энг қизиғи, катта-катта савдо дўконларида қиммат нархларда сотилаётгани сир эмас.***

## АКРОМ АКАНИНГ ЭТИГИ

**ТАҲЛИЛ**

-Йил-ўн икки ой далада юриб ҳам рўзғорини, ҳам юртимиз бозорларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўлдириш мақсадида меҳнат қилаётган деҳқон учун далабоп, чидамли пойафзални топиш гўё анқонинг уруғини қидиришдек гап, - дейди ғаллаоролик фермер Акром Қораев. – 45 га кирмасимдан оёғим зирқирайди. Чунки куннинг қировли, жазирама кунларида ҳам дала оралаб қалишда юрамиз, бошқа илож йўқ-да...

-Пойафзал корхоналари ҳарбийлар учун ўтгаям, сувгаям чидамли зўр пойафзалларни ишлаб чиқараяпти. Агар деҳқонниям ўйлаб тўрт мавсумга мослашган пойафзалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйса, ажойиб иш бўларди-да, - дейди ёзёвонлик фермер Солижон Чўянов. – Умримнинг қарийб 30 йили қишлоқ хўжалигида ўтди. 1997 йили фарзандларим билан фермер хўжалигини очдик. Биласиз, Ёзёвонда ерлар оғир. Ҳар бир қаричида тош, бунинг устига шўрланган ерлар кўп. Кетмонни кўтариб дала айланмасангиз кутилган ҳосилни ололмайсиз. Худога шукур далани калишда кезсак-да пахта, ғалла бўйича шартнома режаларини ошиғи билан бажардик. Биргина ўтган йили пахтанинг ўзидан икки миллион сўм соф даромад қилдик. Даромадлар ҳам инсоннинг соғ-саломатлиги, фаровон турмуш тарзи йўлида сарфланиши керак-да. Пулимиз бўлса-да, вилоятимизда деҳқонбоп пишиқ, чидамли товарларни тополмаймиз. Яқинда ёйма бозордан ҳарбийларга мўлжалланган уч жуфт пойафзал опкелдим. Тўғриси, жуда мазза бўларкан...

Фермер пойафзалининг у ёқ-бу ёғини кўрсатиб самимий, болаларча севинди. Солижон ака-ку майли, бугун бир йўлини топибди. Қолган қишлоқ хўжалигимизнинг 60 фоизида меҳнат қилаётган деҳқонлар нима қилишаркин? Хўш, бугунги кунда "Ўзчармпойафзал" ассоциациясига қарашли пойафзал корхоналарида аҳвол қандай? Нега республикамиз аҳолисининг бу борадаги талаб ва эҳтиёжлари қондирилмаяпти? Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай дастурхонимиз тўкинлиги йўлида меҳнат қилаётган дала меҳнаткашлари учун ҳам сифатли, арзон пойафзаллар ишлаб чиқарилишига эришиб бўладими?

-Ўтган 2002 йилда республикамиз бўйича жами 6 миллион 30 минг жуфт пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, - дейди "Ўзбекчармпойафзал" ассоциацияси раиси муовини Шарифжон Шералиев. – Шундан 55 фоизини болалар, 35 фоизини эркаклар, 10 фоизини эса аёллар учун мўлжалланган пойафзал маҳсулотлари ташкил этади. 20 минг жуфти эса хорижга экспорт қилинди.

Статистика маълумотларига қараганда ўтган 2002 йилда республикамизда 25 миллион 271 минг нафар аҳоли рўйхатга олинган. Энди юқорида тилга олинган ишлаб чиқариш кўрсаткичларини аҳоли жон бошига таққослайдиган бўлсак, тўрт мавсумда тўрт хил мавсумбоп пойафзал кийиш учун бир йилда қарийб 100 миллион жуфтдан ортиқ пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши керак экан. Демак, мавжуд пойафзал корхоналари ўз ишлаб чиқариш қувватини қарийб 20 бараварга ошириши лозим бўлади. Биз пойтахтимиздаги мазкур ассоциацияга қарашли "Пойафзалчи" корхонасига ташриф буюрдик. Бошқарув раиси Мирмақсуд Миробидовни суҳбатга тортдик. Аввалига у киши ташрифимиздан пича оғринди.

-Ўтган куни телевидениедан, кеча фалончи газетадан мухбир келган эди. Бугун эса сиз... – дея интервью беришга розилик бермади. – Ҳадеб кўзга ташланаверсак, эртага "орган"дагилар бизни тинч қўйишмайди. Тўғрисини айтсам, қўйинг шу ишни, бизниям тўғри тушунинг...

(Давоми 3-бетда)

## УВОЛИ УРМАСИН ДЕСАНГИЗ, ТЕЖАНГ!

***-Бу йил сувдан қийналмаймиз. Ер тўйди, етарли заҳира ҳам тўпланяпти, - дейди Наманган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳакимжон ака Ҳошимов.***

**2003 ЙИЛ – БУТУНЖАҲОН ЧУЧУК СУВ ЙИЛИ**

У киши билмай гапирмайди, демак, баҳорнинг ваъдаси қувончли. Масалан, ҳозирдаёқ Косонсой сув омборига 64 миллион кубометр сув тўпланди. Бу миқдор Чортоқда 17,5 ва Эскиерда 13,5 миллион кубометрга бориб қолди. Шунга қарамай, вилоят далаларида 7 мингта гидропост қуриш режалаштирилган, иш жадал олиб борилмоқда, қурилишлар ниҳоясига етай деб қолди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, магистрал ва хўжаликлараро суғориш тармоқларини тозалаш учун 200 га яқин механизм сафарбар этилиб, барча иш сифатли якунланди. Мақсад - сувни тежаш.

-Тўғри, - дейди Ҳ.Ҳошимов. – Сирдарё ҳам, сойларимиз ҳам тўлиб оқяпти. Лекин чўпни хор қилсанг, кўзга тушар деган гап борки, буни аввалги мавсумларнинг аччиқ тажрибасидан яхши биламиз. Тежалгани – нақд бойлик, деганлар.

Бутун дунё Сув куни (22 март) муносабати билан "Экосан" халқаро жамғармасининг Наманган вилоят бўлимида тантанали тадбир бўлиб ўтганди. 2003 йилнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Чучук сув йили деб эълон қилингани такрор-такрор тилга олинди. Ўшанда сўзга чиққан нотиқлардан бири дабдурустдан бошқача гапларни айтиб қолди.

-Нега 2003 йил Чучук сув йили бўлганини, нима учун ҳар йили 22 мартда бутун дунё Сув кунини нишонланишининг моҳияти ҳақида ўйлаб кўрганмизми?

(Давоми 2-бетда)

**ИСЛОҲОТ**

***Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакат миллий иқтисодиётидаги инвестицион фаолиятни жадаллаштиришга қаратилган бир неча иқтисодий қонунлар ва қарорларни қабул қилди.***

Хусусан, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонун бутун

## ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ

### ТАРАҚҚИЁТГА ҚУВВАТ БАҒИШЛАЙДИ

инвестиция фаолиятини тартибга солиб туришга қаратилган бўлса-да, бироқ асосан маҳаллий сармоядорларни мувофиқлаштириб туришга йўналтирилган.

Миллий иқтисодиётда хорижий инвесторларнинг кўламини кўпайтириш мақсадида "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги ва "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)

## ЭЪТИРОФ

***Республика акциядорлик тижорат банки "Ғаллабанк" маркетинг тадқиқотлари бўйича Европа Маркази томонидан ўтказилган "Агробизнес-2003" танловининг ғолиби деб топилди.***

**БАНК**

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги соҳасининг тутган ўрни бениҳоя каттадир. Сўнгги йилларда соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда хизмат кўрсатувчи тармоқлардан бири – банк тизимининг роли, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган туб ислоҳотларни амалга оширишда фаолият юритаётган тижорат банклари, жумладан, ўз капитали, активлари миқдори, молиявий операциялари доираси ва ҳажмига кўра РАТБ "Ғаллабанк" алоҳида ажралиб туради.

РАТБ "Ғаллабанк" аслида мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлаш жараёнида соҳани молиялаштириш, тизимдаги қайта ишлаш корхоналарига хизмат қилувчи кредит-молия муассасаси шаклида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1994 йилда ташкил этилган эди. Ўтган қисқа давр ичида эса бу банк ҳар томонлама ривожланиб, универсал банк мақомига эга бўлди.

РАТБ "Ғаллабанк" республикадаги 32 та филиаллари орқали 40000 дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга, ташкилотларга ва жисмоний шахсларга самарали банк хизмати кўрсатиб, нуфузини орттирмоқда, ҳатто халқаро танловларда ҳам қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда.

Маркетинг тадқиқотлари бўйича Европа маркази томонидан ўтказилган "Агробизнес-2003" танловининг 2003 йил 27-29 апрел кунлари Белгия давлатининг пойтахти – Брюссел шаҳрида халқаро форумда РАТБ "Ғаллабанк"ка ғолиблик совғаси ва дипломи топширилди.

(Давоми 3-бетда)

**ТАЪЛИМ**

***Юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва унинг самарадорлигини жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.***

Таъбир жоиз бўлса, бу нарса бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва

## КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганлиги ҳам шундан далолат беради. Зотан, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳар қандай давлатнинг келажаги чуқур билим ва малакага эга бўлган, дунёқараши кенг, юксак маънавиятли ёшлар қўлидадир.

Эътиборли жиҳати, ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар ҳозирданоқ амалда ижобий натижаларни бераяпти.

(Давоми 4-бетда)

## КОМИССАРНИНГ ҚИСМАТИ

***Терговa материалларидан маҳкумнинг 1915 йилга қадар Тошкентда рус-тузем мактабида ўқигани, ўн беш ёшидан бошлаб оилага кўмакдош бўлиш учун турли корхоналарда ишлагани ҳамда Москвада Свердлов номли университет қошидаги 7 ойлик курсни тамомлаб қайтгач, комсомол ишида фаолият олиб борганини билдим. Кейинчалик эса – 1928-29 йилларда у Янгийўл район комсомол комитети саркотиби вазифасида ҳам фаолият олиб борган экан.***

**МОЗИЙ**

Терговчининг оиласи ҳақидаги саволига маҳкумнинг жавоби мени ўйлантириб қўйди. Маҳбус саволга жавоб берарkan: Жаннатхон деган 77 яшар онаси, 60 ёшли Маҳмудхон деган акаси, 30 яшар Зуҳрахон исмли рафиқаси, 12 яшар қизи Ҳумайра, 10 яшар ўғли Нуритдин, 6 яшар ўғли Марат борлигини айтган. Мен 1947 йили Тошкент шаҳар, Октябр район ижроия қўмитасида хизмат қилган чоғимда Ҳумайра ва Марат деган опа-укаларни танирдим. Ўшанда ўзим билан хизмат қилган катта ёшдаги машинистка аёл, уларнинг отаси Халқ Комиссари бўлгани ва қамалиб кетганини ачиниш билан сўзлагани қулоғимда қолган экан.

(Давоми 4-бетда)

"ҒАЛЛАБАНК" –
ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА ТИЛАЙДИ

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ҚУДРАТЛИ АРМИЯ ЕНГИЛМАСДИР

"ОЙДИН КЎЧАЛАР..."

ОТ ЧОПСА ГУМБУРЛАР ТОҒНИНГ ДАРАСИ

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## БУ ДУНЁ ТОР...

***Қобилжон хўп ювош бола-да. Бировга қаттиқ гапирмайди, чумолига ҳам озор бермайди. Очиғи, шундай мулойимгина йигитнинг бир амалдорнинг тантиқроқ ва бесабр қизига уйланишини ҳеч ким кутмаганди.***

Улар икки йил аҳил яшадилар. Кейин келин эри отасининг юбилейига зарбоф тўн олиб беролмагани учун жанжал чиқарди.

-Кетаман, якка қиз бўлсам-деди у. - Отамнинг данғиллама уйига битта болам билан сиғаман. Илмилиқлиги, мулойимсупургилигининг кетидан бу ҳали кўп панд ейди. Ҳозир ишбилармон, урди-олди йигитларнинг замони.

Эртасига куёв ота-онаси билан бирга бошини эгиб, “кўз очиб кўргани”ни олиб келиш учун қайнотасиникига борди. Бироқ келиннинг ота-онаси на куёвлари, на қудаларига қовоқ очдилар. Оқибатда тўрт кун ўтгач, келиннинг кўч-кўрони ҳам олиб кетилди.

Йигит кишига топилаверар экан. Орадан йил ўтмай, Қобилжон уйланди. Кейин улар ер олиб, фермер хўжалиги туздилар. Самарали меҳнатларининг натижаси тез орада билинди. Қобилжон ўзига тўқ, туманнинг энг олди фермерига айланди.

Аммо Қобилжоннинг аввалги хотинига “урди-олди” йигитлардан бирортаси қараб ҳам қўймади. Эшитишимизча, эгизак укаларига қўш келин туширишгач, у кенг ҳовлига ҳам сиғмай қолибди.

## ИНСОН ҚАДРИ

***Катта магазинни хусусийлаштириб олган Раҳмиддин энди қишлоғидаги тўй-маъракаларга ҳам бормас, фикру ёди пул топиш билан банд бўлиб қолди. Маҳалла аҳли, ўзининг тенг-тўшларини назарга илмай қўйгач, ҳамма ундан юз ўгира бошлади.***

-Раҳимбойвачча жуда “шаҳарбоп” бола-да. Биздек омилар билмайдиган кўп нарсага ақли етади. Ҳали ўғил уйлаб, қиз чиқарса ҳам нуқул шаҳарликлар келиб хизмат қилишса керак. Ёки созандалар ва меҳмонларнинг ўта “маданият”лисини айтиб, ресторанда ўтказармикин тўйни, - дейишарди ҳамқишлоқлари у ҳақда гап кетса кесатиб.

Лекин тўй қилмасдан илгари унинг бошига мусибат тушди. Шаҳардан ширакайф келаётганда “Мерседес” машинаси ағдарилиб кетди. Натижада оёқлари синиб, касалхонада роса бир ой ётди. Шунда унинг кунига хотини яради, холос. Касалхонадан қайтгач, на қўшнилари, на қариндошлар, на дўстлари ундан ҳол сўради.

Раҳмиддин тўшакка михланиб, ёлғизлик азобида қовриллгач, инсон қадрини, одамлар қадрини ҳис қилди. У одамларни соғинганди.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ,**
**Фарғона вилояти.**

## СИГИРГА КЎЗ ТЕККАНМИДИ?

***Қишлоғимизда Холи бобо исмли чол бўларди, худо раҳмат қилсин. Ўзи чавандоз, полвонкелбатли одам эдилар. Аммо, ҳамқишлоқларимиз у кишидан сал чўчиб туришарди. Чунки, Холи бобони “кўзи бор” деб ҳисоблашарди.***

Бир куни қоқ туш палласи иккита сигиримизни кўчанинг шундоқ ёқасидаги дарахтлар соясига боғладим. Шу пайт Холи бобо эшак миниб ўтиб қолдилар. Салом бердим. Алик олиб ўтиб кетди. Ҳовли томонга бироз юрганимни биламан, янги туққан сигиримиз ерга қулаб, жон ҳолатда бўкира бошлади. Онам югуриб чиқдилар-да, молнинг аҳволини кўриб, уч уй нарида яшовчи Ҳалим қассобникига чоп, дедилар. Ёш бола эдим, мисоли шамолдек учдим. Бахтимга қассоб уйида экан. Гапимни охиригача эшитмасдан, пичоғини олди-да, бизникига югурди. Етиб келсак, сигир аллақачон ҳаром ўлган экан. “Кўзикибди” деди қассоб оҳиста. Дарҳол ёдимга ҳозиргина ўтиб кетган Холи бобо тушди. Бу ҳақда гапиргандим, қассоб бошини силкитди-да, “тушунарли” деб қўйди. Мен Холи бобонинг ортидан қувиб тошбўрон қилмоқчи эдим, онам ушлаб қолдилар ва “айб ўзимизда болам, молнинг шохига тумор осиб қўймабмиз”, дедилар.

Шундай қилиб, бир зумда соғин сигирдан ажралгандик. Кечқурун ишдан қайтган отам анча хафа бўлдилар. Холи бобога ҳеч нарса демадик. Нима ҳам дея олардик. Ким билсин сигиримизнинг ўлимига бошқа бирор нарса сабаб бўлгандир, эҳтимол. Ҳарқалай, шунчаки миш-мишларга ишониб, бировни ёмонотлиқ қилиб бўлмайди...

**Мақсуд АКРАМОВ**

## ШЎРВАДАГИ ЧИВИН

***Саксонинчи йилларнинг бошлари эди. Жонқобил ҳинд кинофильмини кўрмоқчи бўлди. Манглайига “Касса” деб ёзилган эшик атрофида эса юзлаб одамлар навбатда туришибди.***

Чўнтагида икки юз сўм пули бор эди. Тушгача бир амаллаб чиптани олиб, энди кино кўришга шайланиб турганида бехосдан чўнтагига қўл сукди. Шу лаҳзада худди юраги уришдан тўхтаб қолгандай бўлди.

-Оҳ, киссамдаги пулларим қаёққа кетди? – инграниди у.

Қош қорайгунча Тошкент кўчаларида санқиб юрди. Қорни оч. Хаёлига бир фикр келди. Тўппа-тўғри шаҳардаги зўр бир ресторанга кириб борди.

-Кўнгиллари нима тусайдилар? – деди ручка билан ён дафтарча ушлаган чиройли бир қиз кўзларини сузганча.

-Юз грамм коньяк, бир порция табака, ҳа айтмоқчи, бир коса шўрва ҳам бўлсин.

Жонқобил коньякни бир зумда уриб олди, кейин табакани туширди. Ёз пайти бўлгани учун таомларга чивин айланаётган эди. Ғинғиллаётган сабил қолгурдан семизроғидан биттасини ушлаб олди-да, қўли билан сал эзғилаб, шўрвага ташлаб юборди. Сўнгра ҳалиги чиройли қизни чақирди:

-Официантка!

-Нима буюрадилар, - деди чиройли қиз нозланиб, балиқдай биланглаб.

-Ҳеч вақо керакмас! Мана буни қара! Кўзинг борми ўзи?

Чиройли қиз косадаги чивинни кўриб ҳангу манг бўлиб қолди.

-Кечирасиз, акажон, шўрвани ҳозир алмаштириб келаман...

-Тўхта, каттангни чақир, буёққа!

Қиз бир пасда гавдаси отни ҳуркитадиган даражада семиз одамни бошлаб келди.

-Мен ресторан мудириман, қани, нима гап?

-Мана буни кўрмаяпсизми, шеф? Ҳозир акт тузаман, тегишли жойда жавоб берасиз.

-Тўхтанг акажон, - деди ундан камида йигирма ёшлар кекса ресторан мудири шошиб.

У ёрдамчиси билан нимани-дир гаплашди-да, имлаб ошхонага киритиб юборди. Тезда столнинг усти турли нознеъматларга тўлиб кетди.

-Ҳеч нарса емайман, иштаҳамнинг расвосини чиқардиларинг!

-Узр, акажон...

-Бўпти, бу сафар кечирдим. Кейингисида бундай бўлса... Тамом!

Семиз одам Жонқобилнинг чўнтагига нимани-дир тиқди. У ресторандан жиддий қиёфада чиқиб кетди...

**Жовли ХУШБОҚ**

## ФИКР

***Президентимиз ташаббуси билан 2003 йил мамлакатимизда “Обод маҳалла йили” деб эълон қилинди. Ободлик деганда кўчалару, маҳалла гузарларимиз, қишлоқларимизнинг озода ва тоза бўлишигина эмас, балки ҳар биримизнинг қалбимиз пок, юракларимиз меҳр-муҳаббат туйғуларига йўғрилган бўлиши лозим.***

## МАҲАЛЛАНГ ОБОД БЎЛСА...

Сариосиё туманидаги 58 та маҳалла ҳудудида ҳам ободонлаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Маҳалла гузарлари, савдо расталари, маиший хизмат кўрсатиш уйлари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Кўчаларнинг икки ёни бўйлаб экилган кўчатлар, анвойи гулларнинг муаттар ислари баҳри дилни очади.

Донишманд халқимизда “Обод уйда озод одамлар яшайди” деган ибратли ҳикмат бор. Уйларимизнинг озодалиги, кўчаларимизни ободонлаштириш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда. Ҳар биримиз чин юракдан меҳнат қилиб, ўзимизнинг тажриба-маҳоратимизни, онгимизни, юксак ақл-идрокимизни она-Ватанимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг ривожланиши, гуллаб-яшнашига, обод бўлишига сафарбар этсак, халқимиз олдидаги муқаддас бурчимизни адо этган бўлар эдик. Ватан она каби муқаддасдир. Унинг ҳар бир қаричини гулларга буркайлик.

**Шаҳноза ХЎЖАЕВА,**
**Сариосиё тумани.**

## УВОЛИ УРМАСИН ДЕСАНГИЗ, ТЕЖАНГ!

(Боши 1-бетда)

Агар ўйлаганимизда биз бу билан фахрланмаган, мақтанмаган бўлардик Чунки бу саналарнинг мақсади сувни инсон хуружидан ҳимоялашга қаратилган. Билъакс, сувларимизнинг ҳоли тобора хароб бўлаверади. Сувга бундай ёмон муносабат инсон ахлоқига, алалхусус, бизнинг миллий қадриятларимизга мутлақо зид. Биз ўз навбатида “Нега шундай?” деган саволга жавоб берайлик.

Тўғриси, қарийб байрамона кайфиятда ўтирган мажлис аҳли, айниқса, шу масалага бевосита масъул бўлган қатор ташкилотларнинг раҳбарлари кутилмаган бу “даъво”ни оғриқ билан қабул қилишди. Аслида ўша нотиқ ҳақ эди. Мана биргина мисол: “чучук сув” атамаси тилимизда азалдан бор. Аммо “ичимлик сув” дейиш даврнинг “ихтироси”. Техника, саноат ривожланди, уларнинг сувга эҳтиёжи ҳам, ифлослантириш кўлами ҳам мисли кўрилмаган даражада ортди. Натижада ана шу янги атама пайдо бўлди. Ваҳоланки, ўзбекнинг аждодлари сувнинг ичилмайдиган хили (океан-денгизлар бундан мустасно, албатта) ҳам бўлишини хаёлларига келтирган эмасдилар. Негаки, сувга муносабат имон ва виждон билан кафолатланган.

Энди-чи? Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан берилган маълумотга қараганда, ўтган йили аниқланган 577 қонунбузарлик ҳолатининг аксариятида сувга қарши хуруж бўлган. Шимолий Фарғона, Катта Наманган, Янгиариқ, Охунбобоев каналлари, қарийб барча сойлар ва Сирдарё тобора ифлосланмоқда.

Ичимлик сув ортиқча увол қилинмоқда. Қаранг: аҳоли жон бошига бир кеча-кундузда Парижда 150, Пекинда 20 литр сув сарфланади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Тошкентда 450, Наманганда 400 литрга етди.

-Вилоят марказининг Ахсикент, Нуробод, Оромгоҳ ва Мингчинор даҳаларида, Давлатобод туманида ичимлик сувнинг суғориш мақсадида ишлатилиши барҳам топмаяпти, - дейди “Сувоқова” ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Муҳиддин Турсунов. – Ҳолбуки, бошқармамиз сувни тозалаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш учун ҳар куни 7,5 миллион сўм маблағ харжлайди.

Диаметри 15 миллиметрли битта носоз жўмракдан бир кеча-кундузда 360 киши эҳтиёжига лойиқ сув исроф бўлади. Хўш, вилоятда бундай жўмраклардан қанчаси бор? Ана шунинг учун ҳам ҳар бир истеъмолчига сувўлчагич зарур. Вилоятда ўн мингдан ортиқ хонадонга ана шундай асбоб ўрнатилди. Аммо бу борадаги таъминот республика даражасидан пастлигича қолмоқда.

-Илгари шаҳар халқи Намангансой ва Янгиариқ каналидан сув ичган, - дейди “Вилоятсувназорат” инспекцияси бошлиғи Неъматжон Обидшоев. – Бугун буни истеъмол қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Худо кўрсатмасин, бу сувдан бир хўплаган одам минг бир дардга йўлиқади.

Айниқса, шаҳарнинг қоқ ўртасидаги Намангансойнинг икки соҳили салкам ахлатхонага айланиб кетган. Янгиариқ каналида сув озайган кезлари аянчли манзара намоён бўлади. Шаҳарда неки йўқолган бўлса, каналнинг ўзанидан топаверасиз.

Тўғри, дафъатан қарашда дунёда нима кўп – сув кўп. Ва бинобарин, уни тежаш, эҳтиётлаш ҳақидаги замзамалар қуруқ, беасос, ваҳимали сафсатадан ўзга нарса эмас гўё. Рост, замин куррасининг 71 фоизи уммон ва денгизлардан иборат ёхуд сайёрамизда нақд 1 миллиард куб километр (!) сув мавжуд. Бу рақамлардан юзаки хулоса шу: ҳар оилага (тахминан 6-7 кишига) оз эмас, кўп эмас 1 куб километрдан сув тегадики, гўё уни иқтисод қилишнинг сира зарурати йўқ.

Бироқ ўшанча заҳиранинг атиги 2 фоизигина чучук сув, холос ва биз тинимсиз ифлослантираётган очиқ ҳавзалардаги оби ҳаёт ҳам, афсуски, шу ҳисобга киради. Боз устига ўша икки фоизнинг 97 фоизи музликлардан иборат. Бу исбот талаб қилмайдиган рақамлар бизни хушёрликка чақирмайдими?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, чучук сув манбаларининг ифлосланиши натижасида Ер шарида йилига 5 миллиондан зиёд бола нобуд бўлади, миллионлаб одамларга хасталик юқади. Техниканинг, саноатнинг тезкор тараққиёти, тобора кўлами кенгайиб бораётган урбанизация жараёни бу хатарни орттирса орттираяптики, камайтираётгани йўқ. Масалан, 1 тонна пўлат эритиш технологияси 100 тонна сув талаб қилади. Бир тонна кўмир 3-5, 1 тонна нефт 130, 1 тонна сунъий тола 4 минг тонна сув сарфи билан тайёр бўлади. Агар йилига жаҳонда 7-8 миллиард тонна табиий ресурс ишлатилса, ана шу миқдордаги сув бир кеча-кундузда ишлатилмоқда.

Демак, сув жонли табиатга ҳаётнинг асосий вазифасидан ташқари, замонавий ривожланишнинг бош омили вазифасини ҳам уддаламоқда. Зероки, немис олими Г.Либман айтганидек, “Бизнинг сайёрамизда кишиликнинг омон қолмоғи учун техниканинг мўъжизалари эмас, балки тоза, ичиш учун яроқли сув етарли бўлмоғи зарур”.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## UZPECнинг МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

***Британиянинг Triniti Energy компания шўъба корхонаси UzPEC Ltd жорий йилда нефт-газ конларида маҳсулотларни бўлиш тўғрисидаги битим шарти билан 20 миллион доллар маблағни ўзлаштиришни режалаштирмоқда, - деди Тошкентда ўтказилган “OGU – 2003” нефт-газ кўргазмасида компаниянинг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Дмитрий Зайнуллин. Ўтган йили 4,7 миллион доллар маблағ ўзлаштирилган эди.***

Унинг айтишича, компания Ўзбекистон ҳукумати билан айрим маъмурий назорат тўсиқларни бартараф этгандан кейин лойиҳани амалга ошириш жуда тезлашди.

“Бугун аввалда эришилган битимларни амалга ошириш ва яқин йилларда дастлабки режалаштирилган инвестиция ҳажмларига чиқиш учун бизга ҳеч нарса халал бермайди, деб таъкидлади Д. Зайнуллин.

2002 йилнинг бошида UzPEC Ltd жанубий-ғарбий Ҳисор ҳудудининг Одамтош газ-конденсат ва Жанубий қизил байроқ нефт-газ конларида маҳсулотларни бўлиш битими асосида синов ишланмаларини бошлаган эди.

Маҳсулотларни бўлиш битимига кўра, қазиб олинаётган маҳсулотнинг 70 фоизи UzPEC Ltdга, 30 фоизи Ўзбекистон томонига тегиши лозим. Битим шартномасига мувофиқ қазиб олинган нефт Ўзбекистондаги заводларда қайта ишланиши, тайёр маҳсулот эса экспортга чиқарилиши лозим. Табиий газни ҳам магистрал қувурлари орқали Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилиш кўзда тутилган эди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, UzPEC Ltd 2006 йилга бориб бу ерда йилига 2 миллиард кубометр табиий газ, суткасига 350 тонна нефт қазиб олиши лозим. Қирқ йилга мўлжалланган битимга мувофиқ дастлабки беш йил мобайнида инвестициялар миқдори 200 миллион долларни ташкил этиши лозим. Хусусан, 2002 йилда UzPEC Ltd 31 миллион долларни ўзлаштиришни режалаштирган эди.

Д. Зайнуллиннинг қайд этишича, баҳсли масалаларни ҳал этилиши натижасида жорий йилда UzPEC Ltd 100 минг тонна суюқ углеводород қазиб олишни режалаштирмоқда. Бу ўтган йилгидан 60 минг тонна кўп демакдир.

2001 йилнинг октябрида компания Ўзбекистон ҳукуматидан нефт ва газ конларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш ҳуқуқини берувчи 2 та рухсатнома олган.

Айни пайтда Ўзбекистонда 171 та нефт-газ конлари очилган. Улардан 51 тасидан нефт, 72 тасидан газ ва 17 тасидан газ конденсати қазиб олиняпти. Ўзбекистон ҳудудининг нефт-газ салоҳияти бир триллион доллардан кўпроқ баҳоланмоқда. Нефт ва газ конденсатини қазиб олиш Ўзбекистонда 2002 йилда 7,240 миллион тоннани ташкил этди. Газ қазиб олиш эса 58,429 миллиард кубометрга етказилди.

***“Туркистон-пресс”***

## БОЖХОНА

***Яқинда Самарқанд вилояти ҳокимлигида тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишда божхона қонунчилиги, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.***

## ҲАМКОРЛИК

Вилоятда тадбиркорларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш мақсадида барча божхона постларида маслаҳат пунктлари, вилоят божхона бошқармасида эса ишонч телефонлари ташкил этилган. Аммо ҳали ҳам ноқонуний фаолияти билан давлат иқтисодиётига жиддий зарар етказаётган “тадбиркорлар” учраб турибди. Масалан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан жами 211 та контрабанда, божхона қонунчилиги бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. 146 та ҳолатда товар-моддий бойликлари, яъни 75,5 миллион сўм миқдоридаги халқ истеъмол моллари, дори-дармонлар, тамаки, спирт, чой маҳсулотларини ноқонуний олиб келаётган ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чоралар кўрилган. Ўтган 2002 йилнинг 1 июнидан то шу кунга қадар вилоят божхона бошқармаси томонидан 16 ҳолатда 11,4 миллион сўмлик товарлар сифатсиз эканлиги аниқланиб, белгиланган тартибда йўқ қилинган.

**Нурбек САЛОМОВ,**
**Давлат божхона қўмитаси**
**Матбуот хизмати инспектори.**

## ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ

(Боши 1-бетда)

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлақонли ишлаши натижасида ҳозирги кунда кўплаб хорижий фирмалар ва қўшма корхоналар мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Маҳаллий ва хорижий инвестициялар асосида ташкил этилган корхоналарда юз минглаб ишчи ўринлари яратилди. Бироқ ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида эришилган бу ютуқлар бизни тўлақонли қониқтира олмайди. Шу боис, мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барча соҳаларида инвестицион фаолиятини янада жадаллаштириш зарур.

Биз олдимизга шундай бир стратегик мақсадни қўяр эканмиз, бу ўз навбатида, корхоналардаги инвестицион фаолиятни ривожлантиришга катта эътибор беришимизни талаб этади. Ушбу тамойил оқилона ташкил этилган тақдирда жисмоний шахслар билан бир қаторда, давлатнинг ҳам инвестицион фаолияти жадаллашиб боради. Агар корхона сармоя соҳасини яхши йўлга қўйса, даромадлилик даражаси ортади. Бу ўз навбатида, шу хўжалик субъектида фаолият юритаётган ишчиларнинг иш ҳақлари юқори бўлишини таъминлайди. Шунингдек, корхона ўз вақтида давлат олдидаги мажбурий тўловларини амалга оширади. Давлат ҳам корхоналардан олган солиқ маблағлари ҳисобига бюджет муассасаларини вақтида молиялаштиради. Ортиқча маблағларни муҳим аҳамият касб этувчи фойдали дастурларга йўналтиради.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда корхоналар инвестицион фаолиятини маблағлар билан таъминлашда марказлашган жамғарма маблағлари қатъий чекланган бўлиб, асосий эътибор бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ташкил этишга қаратилади.

Корхоналар сармоя фаолиятида бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш тартиби шартли равишда икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси, корхонанинг шахсий маблағлари, иккинчиси, жалб қилинган маблағлар. Ушбу гуруҳлар ўз навбатида бир неча манба турларига бўлинади. Масалан, корхонанинг шахсий инвестицион маблағларини таҳлил қиладиган бўлсак, у учта манбадан таркиб топади. Жумладан, корхонадаги айланма маблағлар, амортизация ажратмалар ва корхона ихтиёрида қолаётган соф фойданинг бир қисми. Айланма маблағлар инвестицион фаолият юритишнинг пойдевори бўлиб, уни ташкил этиш учун бевосита хизмат қилади.

Корхоналар асосий ишлаб чиқариш воситаларини қайта тиклаш, замонавийлаштириш ва янгилаш мақсадида уларга мос равишда амортизация ажратмаларини жамғариб боради. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги корхоналарнинг сармоя фаолиятини молиялаштириш манбасида амортизация ажратмаларининг улуши қирқ фоизгача бўлар экан.

Корхоналар инвестицион фаолиятини маблағ билан таъминлашда шахсий маблағларнинг салмоғи доимо етарлича бўлавермайди. Шундай ҳолларда корхона шу мақсад учун ресурсларни ташқаридан жалб қилишига тўғри келади.

Жалб қилинган маблағлар ичида эса тижорат банкларининг кредит ресурслари марказий ўринда туради. Одатда тижорат банклари инвестицион фаолият учун қисқа ва узоқ муддатли кредитларни тақдим этадилар. Корхоналар учун узоқ муддатли кредитлар муҳим аҳамият касб этади. Аммо инфляция даражаси юқори бўлган давлатларда корхоналарнинг узоқ муддатли кредитлардан фойдаланиш имконияти чегараланган бўлади. Қисқа муддатли кредит ресурсларидан фойдаланишда эса муаммо деярли бўлмайди. Лекин бундай кредитлар кўмагида стратегик инвестицион фаолиятни ташкил этиб бўлмайди. Шундай вақтларда давлат корхоналар сармоя фаолиятини рағбатлантириши лозим. Акс ҳолда мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш имконияти пасайиб кетади.

Ҳозирги кунда у ёки бу кўринишдаги хорижий сармоялардан ўз миллий иқтисодиётини ташкил этиш ва ривожлантиришда фойдаланмаган бирор-бир давлатни топиш қийин. Ривожланган мамлакатларда хорижий сармоядорларнинг портфел кўринишидаги инвестицияларини жалб қилишга кўп эҳтиёж сезилаётган бўлса, ривожланаётган давлатларда уларни жалб қилиш орқали миллий иқтисодиётини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич кириб бораётган бизнинг мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида инвестицион фаолиятни олиб бориш нисбатан яхши йўлга қўйилган. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан ўртача 4-6 фоизга ортиб бормоқда. Аммо мавжуд салоҳиятимизга таяниб айтадиган бўлсак, биз ушбу кўрсаткичларни яна бир неча поғонага кўтариш имкониятига эгамиз. Фақатгина миллий иқтисодиёт тармоқларидаги инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларидан тўғри ва оқилона фойдаланишни яхши йўлга қўя билиш лозим. Асосий эътиборни корхоналарни шахсий манбалари ҳисобига амалга оширишни такомиллаштириш керак. Агар шундай кўрсаткичга эриша олсак, корхона жалб қилинган маблағлар учун бажариши лозим бўлган молиявий мажбуриятларни бажариш эҳтимоли қисқаради. Натижада хўжалик субъектларининг инвестицион фаолияти кенгайиб мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажми йилдан-йилга ортиб боради. Бу ўз навбатида, республика аҳолисининг иқтисодий ҳолати ва турмуш даражасини яхшиланишига қулай имконият яратади.

**Фахриддин НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**



**Тошкент шаҳридаги “Орзу ош” шўъба корхонаси ўтган йилнинг ноябр ойида иш бошлади. 30 нафар ишчи фаолият кўрсатаётган корхона жорий йилнинг 1-чорагида 261,5 тонна йодланган сифатли туз ишлаб чиқариб, савдога чиқарди. Хомашё Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ва Навоий вилоятидаги “ЭЛ ТУЗ” шўъба корхонасидан келтирилаётир.**
**СУРАТДА: корхонанинг туз қадоқлаш цехидан лавҳа.**
Б.АКРАМОВ олган сурат.

## ҲАЙФ КЕКСА ДЕГАН НОМ!..

***Хунук гап тез тарқалди:***
***-Эргаш ака бировни пичоқлаб қўйибди, жабрдийдани касалхонага олиб кетибди.***

-Бечора-ей, ишқилиб ўлиб қолмасин.

Ўзига ўхшаган,ароқнинг касофати урган шерикларидан бирини пичоқлаган бўлса керак-да.

-Ёши етмишга бориб қолганда, охиратни ўйламай, бола-чақаю, невараларини дуо қилиб, роҳатда юриш ўрнига, энди қамоқда ўтиради-да!

-Инсоф берсин, ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин...

Мудҳиш воқеани маҳалла аҳли ўзича баҳолайди, фикр айтади.

Ичкиликнинг “лаззати”га ўрганлар ахлоқ неъматининг лаззатларидан бебаҳра қолаверадилар. Ҳидоят ўрнига залолатни, фароғат ўрнига азобни сотиб олувчи ароқхўрлар ҳеч қачон саодатманд бўлолмайдилар. Буни ичкиликка ружу қўйган, жиноят кўчасига кириб, тақдири қора бўлган, алал-оқибат аро йўлда хор-зор бўлиб юрганлар мисолида кўриб турибмиз. Хулқи бузуқлик, дилозорлик, алдамчилик, субутсизлик, беҳаёлик каби номаъқул одатлар ичкиликбозга улфат.

### ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Афсуски, ана шундай ароқхўрлар орасида ёши бир жойга бориб қолган қариялар ҳам учраб турибди. Чортоқлик Эргаш Назаров шундайлар тоифасидан. Ичган одамнинг кўзида шайтоний қараш аломатлари бўлади. Ўзининг ҳаракатларини маданий бошқаришдан ва гап-сўзларини идрок этишдан маҳрум кишиларни ким деб аташни одамлар яхши билишади. Ундайларга обрўсизлик “либоси”ни кийиш доимий одатга айланиши ҳам бор гап.

Ўша куни Эргаш Назаров ўзи истиқомат қилувчи Мучум қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 46-уйнинг ёнида Тоҳир Маматов ва Шарофитдин Холмирзаевлар билан бирга улфатчилик қилишади. Эргаш Назаровнинг ёши бир жойга бориб қолгани, ичавериб “қуввати” кетгани сабабли тезда кайфи ошиб, маст бўлиб қолади. Шу сабабли Тоҳир Маматов ёрдамлашиб уни уйига кузатиб қўйиш ниятида бирга боради. Эргаш Назаровнинг қайсарлиги тутиб “ўзим кетавераман, мени биласан-ку, сен қайтавер”, деб ўзи уйи томон гандираклаб кетади. Тоҳир Маматов ўзининг уйи яқинига келиб турганида, гандираклаб қайтиб келган Эргаш Назаров тўсатдан ҳеч бир сабабсиз унинг қорнига пичоқ уради. Ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олган Тоҳир Маматовни шу атрофдаги қўни-қўшнилар касалхонага етказишади. Тиббиёт ходимларининг кўрсатган муолажаси туфайли унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ичкилик оқибатида эс-ҳушини йўқотиб, безорига айланган Эргаш Назаров шу тариқа ўз жияни Тоҳир Маматовга жабр етказди. Бу воқеа хушёр инсонларни мулоҳаза қилишга ундаши табиий. Суднинг қора курсисида ўтирган тоға мудҳиш воқеа содир этилгунга қадар жияни Тоҳирга ўз фарзандидек муносабатда бўлганлиги, ота ўрнида отадек ғамхўрликлар кўрсатиб юрганлигини айтиб, қилмишидан пушаймон ейди. Суддан ичкилик туфайли шайтоннинг васвасасига учиб, шу ишга қўл урганлигини, саломатлиги ҳам ёмонлиги, ёши бир жойга бориб қолганлигини инобатга олишини сўраб, илтижо қилади. Минг надоматлар билан узр сўрайди.

Қонунчиликда спиртли ичимлик ичиб маст ҳолатда жиноят содир этган кишининг ҳаракати унинг айбини оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Кайфчиликда билмай қолибман, дегувчилар қаттиқроқ жазо олади. Озодликдан айрилиш азобини тортган Эргаш Назаровнинг афсус-надоматлари ичкиликни ихтиёр этганларга сабоқ бўлса, ажаб эмас. Менман, деган девқомат эркакларни йиқитган – бу ичкилик. Ароқхўрлик оқибатида хонумонидан айрилиб, гадолик йўлига кирганлар қанча?

Ўзбекча қилиб айтар бўлсак Эргаш Назаровга уят, ҳайф унга. Мақоламизни аллома адиб Абдулла Қаҳҳорнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчимиз: “Уят энг шавқатсиз қонундан ҳам кучлироқ, қудратлироқдир. Қонун фақат кўзи тушганда, шубҳа пайдо қилгандагина жиноятчининг қўлини ушлайди, йўлини тўсади. Уят эса ҳамиша одобсиз, ахлоқсиз жиноятчининг тепасида туриб, ножўя иш қилиш учун қўл кўтарганни қўймайди. Ҳар қандай қонунга ҳам чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди, чунки қонун одамдан ташқарида, уят эса одамнинг кўксида бўлади”.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# АКРОМ АКАНИНГ ЭТИГИ

(Боши 1-бетда)

Шундай бўлса-да, раис билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Суҳбатимиз эса ўз-ўзидан корхона фаолияти билан боғланиб кетди.

-Корхонамиз 2000 йилда банкротлик ҳолатида эди, - дея гап бошлади бошқарув раиси,- ишчилар сони ҳам 70-80 нафарга камайиб, ишлаб чиқариш суръати ҳам кескин пасайди. Ниҳоят, 2002 йилга келиб "Савдогарбанк"дан 20 миллион сўм кредит олдик. Ишлаб чиқариш аста-секин барқарорлаша борди. Мана бу йил ҳам худди шу банкдан 30 миллион сўм кредит олдик. Кредитнинг ойлик фоизи 750 мингни ташкил этиб, банк мутасаддилари уни 15 кун илгари тўлашимизга мажбур этишаяпти.

-Ҳарбийлар учун ҳам пойафзаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйибсиз. Деҳқонлар учун ҳам дала боп мавсумий оёқ кийимлар тикишнинг имкони борми? – сўраймиз раисдан.

-Қишлоқ хўжалик корхоналари пул ўтказолмайди. Буюртма берса тикамиз.

Раис ҳамроҳлигида корхона цехларини айландик. Ҳозирги ишлаб турган дастгоҳлар бундан 35-40 йил илгари Россия, Германия, Италия каби давлатлардан келтирилган экан. Дарҳақиқат, дастгоҳлар анча эски, замон талабларига жавоб бермайди. Бундай ишлаб чиқариш ускуналари билан узоққа бориш ҳам амри маҳол.

-Нега чет эллик ҳамкорларни жалб қилмаяпсиз? Улар билан биргаликда замонавий дастгоҳларни келтириш ҳамда қўшимча ишчи ўринлари очиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш мумкин эмасми? – сўраймиз бошқарув раисидан.

-Чет эллик инвесторларни бу ишга жалб қилсак хорижий дастгоҳлар 5-6 баравар қимматга тушиб, қулоғимизгача қарзга ботиб қолишимиз мумкин, - деган мужмал жавобни эшитиб очиғи, ҳайрон қолдик.

Чунки Юртбошимиз ҳар бир нутқларида, меҳнаткашлар билан ўтказаётган мулоқотларида юртимиз иқтисодиётининг нечоғли юксалиши кўп жиҳатдан хорижий сармоядорларнинг жалб этилишига боғлиқ эканлигини кўп бора таъкидламоқда. Бугунги кунда ана шундай хорижликлар билан ҳамкорликда ишлаётган, қолаверса, ривожланган дунё бозорларида рақобатлашаётган кўплаб қўшма корхоналарни тилга олиш мумкин. Бошқарув раиси эса замонга бугунги кўз назари билан эмас, балки эскича, касодга учраган бошқарув тизими нигоҳи билан ёндашмаяптимикин?

Корхона 1994 йил биринчилар қатори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Ўша йили жами 23 минг 639 дона акцияни сотувга чиқариб, шундан 6,7 фоизини корхона ишчилари, 5 фоизини хусусий тадбиркорлар, 32,6 фоизини чет эл инвестори "Амероз Индустриес" қўшма корхонаси, 45,4 фоизи очиқ савдода сотилган бўлса, 15,2 фоизи давлат улуши ҳисобланади. Дарвоқе, акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси Ҳасан Усмонов шу корхонада хомашё ва тайёр маҳсулотлар бўйича мутахассис бўлиб ишлаётганини қандай тушуниш мумкин? Ахир акциядорлар ҳақ-ҳуқуқи, молиявий кирим-чиқимларни, қолаверса, жамият раиси фаолиятини бевосита назорат қилувчи Кузатув кенгаши раиси Ҳ.Усмонов раҳбарга тобе шахс бўлиб қолмасмикан? Ҳали шу пайтгача акциядорларга бир сўм ҳам дивиденд берилмаган. Бошқарув раисидан сўраганимизда дивидендлардан қанча қарздор эканлигини айтолмади. Умуман, дивиденднинг молиявий ҳисоб-китоби олинмаган, шунингдек, бирор марта акциядорларнинг умумий йиллик йиғилиши ўтганлигини эслолмади.

-30 йилдирки шу корхонада ишлайман, - дейди биз билан суҳбатда ишчи Муҳаррам Каримова. – Корхонамизга кўз тегдими, охирги йиллар анча муаммолар туғилиб қолди. Оилада кўпчиликмиз. Бераётган ойлик маоши 30 минг сўм, рўзғорга бир амаллаб турибмиз. Бошқа ойлиги кўп жойга ўтай десам, корхонани кўзим қиймайди. Бу ерга жуда ўрганиб қолганман. Қўлимда 6 та акциям бор. Аммо шу пайтгача бир сўм ҳам беришмади...

Муҳаррам опага ўхшаган қалби пок, иймони бутун, она юртимиз истиқболини ўйлаб меҳнат қилаётган жафокаш инсонлар корхонада 180 нафарни ташкил этади. Тўғри, ишчиларнинг ойлиги кам, сотиб олган акцияларидан манфаатдорлик йўқ. Шундай бўлса-да, уларда келажакка ишонч, умид учқунлари сўнмаган. Қачонлардир корхона фаолияти барқарорлашиб, ишлаб чиқариш салоҳияти юксалишига болаларча беғуборлик билан ишонишади. Бундай эзгу орзуларнинг ушалишида аввало раҳбар – тадбиркор, уддабурон, қолаверса, бугунги бозор шароитига тез мослашиб иш юритишни тақозо қилмасмикин?

-Дивиденд қарзларни 2005 йилгача тўламаймиз, - дейди бошқарув раиси М.Миробидов дангалига кўчиб. – Акциядорлар розилигини олиб ушбу дивидендларга чет элдан дастгоҳлар олиб келамиз...

Корхонадан қайтар эканман, кўз олдимда Акром ака, Солижон ака каби эл дастурхони тўкинлиги йўлида меҳнат қилаётган дала заҳматкашлари гавдаланди. Уларнинг ташвишу дардлари, орзу-умидлари тинчлик бермади. "Ўзбекчармпойафзал" ассоциациясига қарашли корхоналар ана шу умидларни оқлаш ҳақида ҳам қайғуришлари шарт, деб ўйладим. Ахир ҳар қандай корхона истиқболи истеъмолчи эҳтиёжини қатъий ҳисобга олиб ишлаган тақдирдагина ривожланади, наф кўради.





**Шароф СУЛТОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: муҳтарам муштарий! Мақолада тилга олинган мавзу бўйича Сизнинг ҳам фикр-мулоҳазаларингиз-ни кутамиз. Ўйлаймизки, биз бу мавзуга яна қайтамиз.**

# ЭЪТИРОФ

(Боши 1-бетда)

"Ғаллабанк" жамоасининг бу танловда ғолиб бўлишининг асосий омили –бу ерда олиб борилаётган фаолият ва стратегиянинг тўғри шакллантирилгани ҳамда ходимларнинг тинимсиз меҳнати, саъй-ҳаракатларидир.

Бугунги кунда банк ўзининг асосий мижозлари бўлган дон маҳсулотлари корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинган дон ва ун, гуруч-шоли маҳсулотларини сотиш орқали тушган маблағлар ҳисобини юритиш, улар доирасида Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармадан олинган маблағларни қайтариш, ўзаро дебиторлик-кредиторлик қарзларини қисқартириш борасидаги вазифаларни бажариб келмоқда. Ўз навбатида банк ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорликни, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда. Жумладан, биргина жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида банк томонидан бир миллиард сўмга яқин кредит маблағлари кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган бўлса, унинг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ тадбиркорларига, яъни фермерларга йўналтирилди.



Банкнинг умумий ва акциядорлик капиталини муттасил кўпайтириш, активлар даромадлилигини ошириш, активлар таркибида даромад келтирмайдиган улуш ҳажмини қисқартириш, лизинг ва факторинг усулларидан кенг фойдаланиш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, ташқи мижозлар билан ҳамкорликни кучайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини кўпроқ жалб қилиш мақсадида янги омонат турларини муомалага киритиш, халқаро тўловларда банк иштирокини йўлга қўйиш, дивидендларни кўпайтиришда молиявий замин тайёрлаш сингари муҳим вазифаларни амалга оширишда "Ғаллабанк"нинг имкониятлари каттадир.



Халқаро экспертлар томонидан РАТБ "Ғаллабанк" Ўзбекистоннинг ривожланаётган молия институти сифатида тан олиниши мамлакатимиздаги фаолият юритаётган банкларга берилган юксак баҳодир.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**
**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# ЎСИМЛИКНИНГ НОЁБ ХИСЛАТИ

***Ўт-ўланлардан ҳар хил дори-дармонлар тайёрлаб, турли дардларга малҳам қўйиш халқ табибларининг азалий одати.***

Аммо жониворлар ҳам ўзига керакли шифобахш ўтларни ҳеч иккиланмасдан топа олар экан. Болгариялик башоратчи аёл Ванга икки кўзи кўрмаса ҳам дорилик учун шифобахш гиёҳларни адашмасдан топиб берарди. "Ўз хусусиятлари тўғрисида ўтлар менга ўзи айтиб беради", деб тушунтирарди у.

Ўсимликларнинг сезиш ҳамда одамлар билан муносабатда бўла олиш хусусиятини текшириш жараёнида ҳинд олими Чандр Бос жуда йирик илмий кашфиётларнинг муаллифи бўлди. Олимнинг ушбу кашфиёти хулосасига кўра тирик организмлар ривожланишнинг турли поғонасида туришига қарамай маълум бир маънода бир-бирини тушуна оладиган умумий тилга эга экан. Шу туфайли бирининг бошига тушган яхши-ёмон вазиятни иккинчиси шу заҳотиёқ сеза олади.

**БИЛАСИЗМИ?**

Клеткали бир ўсимликка ёқимсиз таъсир этилса, унга алоқаси бўлмаган колба ичидаги бегона ўсимликда ҳам худди шундай ўзгариш ўз-ўзидан пайдо бўлар экан. Бундан ташқари, ўсимликлардаги электр импульслари ва уларда пайдо бўладиган жараёнлар билан одам ва жониворлар танасида ўтадиган худди шундай импульс жараёни ўртасида кўпгина умумий белгилар борлиги аниқланган.

Америка креминалистлари ўсимликларнинг ушбу ноёб хусусиятини қайта текшириш натижасида ўзига хос ютуқларга эришадилар. Масалан, К.Вакстер ўлим ёқасидаги жонивор ёнида турган ўсимликларда ўзгаришлар содир бўлишини кузатиб жониворнинг ўлимида ўсимликларни гувоҳликка ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги янги ютуқларни қўлга киритди.

Инглиз профессори Ж.Уотсоннинг тажрибаси криминалистлар учун янгилик бўлди. У олти кишини бир-бирига ўхшаш икки ўсимлик сақланаётган хонага ўн дақиқа чамаси киритиб, кейин чиқариб юборган. Шу олти кишининг бири ўсимликнинг биттасини синдириб кетади. Улар ўша хонага қайтадан, аммо энди битта-биттадан киритилганда беш кишига "садосиз" турган омон қолган ўсимлик олтинчи, яъни гулни синдирган киши хонага кирганда салбий акс таъсир берган. Гулга уланган махсус қурилма кўрсаткичи сезилар-сезилмас ҳаракатга келган.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ**

# ТЎСИҚЛАРНИ ЙЎҚОТИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***Республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш кенг қулоч ёймоқда. Аввало, зарар келтирадиган ва кам рентабелли хўжаликлар мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилмоқда.***

Бу янги ташкил этилган ишлаб чиқариш бўғинларининг барчасига бир хил иқтисодий шароит яратилмоқда. Лекин шунга қарамай, жойларда иқтисодий ўзгаришлар суст бораётир. Уқувсизлик оқибатида мавжуд деҳқон-фермер, кичик ва ўрта бизнес тизими корхоналари молиявий жиҳатдан заифлашиб қолаяпти.

Илғор мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ишлаётганлар салмоғи меҳнатга ярокли аҳолининг 5-7 фоизидан ошмайди. Бизда эса 55-60 фоиз аҳоли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан банд. Мана шундай шароитда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ўз навбатида, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилади. Аммо, ортиқча ишчи кучларини бошқа соҳаларга жалб қилиш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кўпайтиришда айрим муаммолар ҳам бор.

**ТАКЛИФ**

Биринчидан, тадбиркорлар учун хом ашё ресурсларига бўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормоқда. Иккинчидан, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари етарли даражада эмас. Учинчидан, тадбиркорларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида ажратилаётган узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар миқдори талабга нисбатан кам. Тўртинчидан, олинган кредитнинг устама фоизини тўлаш бирмунча қийин кечаяпти. Оқибат шу ва бошқа сабабларга кўра, рўйхатга олинган ва фаолият бошлаган хусусий корхоналар тез орада касодга учраяпти.

Хўш, бу муаммоларнинг қандай ечими бор?

Аввало, бугун турли шаклдаги тадбиркорлик субъектлари маркетинг тадқиқотларига муҳтож ва бундай изланишларни мустақил равишда ўтказа олмайдилар. Шу боис, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун бозордаги талаб ва таклиф, нарх ва бошқа кўрсаткичларни акс эттирувчи нашрларни кўпайтириш лозим.

Бундан ташқари, банклар барча масалада тадбиркорга кўмакдош бўлсагина тизим ривожланади. Ниҳоят энг муҳим масала – тадбиркорлар яратган тайёр маҳсулотларнинг экспорти бўйича пухта механизм ишлаб чиқилиши лозим. Ана шунда биз кўзлаган мақсадга эришамиз.

**Б.МАМАТОВ,**
**А.АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент Молия институти талабалари.**

Шошилинг!





"ЎзДЭУавто" компанияси "Асака" банки билан биргаликда 1 августгача автомобилларни КРЕДИТГА сотишни бошлади

UZ-DAEWOO

Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса 2 йил давомида йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

Автомобиллар Сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда

Автомобиллар ҳақидаги ўз орзуингизни рўёбга чиқаринг!





# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ПАУЭЛЛНИНГ ЯҚИН ШАРҚҚА САФАРИ

***АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Яқин Шарқ давлатлари бўйлаб ўз сафарини давом эттирмоқда.***



Исроил ва Фаластин бош вазирлари билан учрашуви чоғида Пауэлл уларни тинчликка эришиш мақсадида АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ томонидан ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" лойиҳасига нисбатан ижобий ёндашувга чақирди. Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос билан мулоқоти чоғида Колин Пауэлл Қўшма Штатлар Фаластин мухторияти вазирлар маҳкамасига 50 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам беришини ва бу пуллар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳамда янги ишчи ўринлари барпо этишга сарфланажагини маълум қилди. Кеча Исроил генерали Амос Гилад Фаластиннинг ички хавфсизлик масалалари бўйича вазири Муҳаммад Дахлан билан учрашган бўлса, пайшанба куни Ариэл Шарон ва Маҳмуд Аббос ўртасидаги илк учрашув бўлиши кутилмоқда.

## ФРЭНКС: "БААС" ПАРТИЯСИ ТУГАТИЛДИ

***"ИТАР-ТАСС" агентлигининг хабар беришича, АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлиги раҳбари генерал Томми Фрэнкс Ироқда фаолият юритган "Баас" партиясининг расман тарқатиб юборилишини маълум қилган.***



Генерал радио орқали Ироқ халқига мурожаат қилар экан, улардан Саддам Ҳусайн ҳукумати ва "Баас" партиясига тегишли ҳар қандай ҳужжатни янги муваққат ҳукуматга топширишларини сўради. "Барча партиялар ва сиёсий гуруҳлар Ироқдаги сиёсий жараёнларда иштирок этишлари мумкин", дея айтган Томми Фрэнкс. 1968 йили ҳокимият тепасига келган "Баас" партиясига 1973 йилдан буён Саддам Ҳусайн раҳбарлик қилган ва 24 миллион аҳолининг 1,5 миллион нафари унга аъзо бўлганди. Иттифоқчиларнинг ҳарбий ҳаракатлари чоғида эса партиянинг 4 нафар маҳаллий раҳбари ўлдирилган эди.

## ХИТОЙ САМОЛЁТИ ҚАЙТАРИБ ЮБОРИЛДИ

***Хитой фуқаролари билан Хабаровск шаҳри аэропортига қўнган самолёт дарҳол ортига, яъни Харбин шаҳрига қайтариб юборилган.***



Харбин –Хабаровск йўналиши бўйича парвоз қилган "China Nothern Airlines" авиакомпаниясининг "MD-80" самолёти бортида юзга яқин хитойликлар бор эди. Бунга Россиянинг SARSдан сақланиш бўйича олиб бораётган хатти-ҳаракатлари сабаб бўлган. Ҳозирга қадар SARS касали туфайли дунё бўйича 526 киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, 7296 киши ундан зарарланган. Хитой ҳукумати эса қишлоқ жойларда касалликка қарши курашни кучайтириш учун 98,3 миллион АҚШ доллари миқдорида қўшимча маблағ ажратди. Бугунга қадар Хитойда SARSдан ўлганлар сони 240 кишига етган, дея хабар беради "Ассошиэйтед-Пресс" агентлиги.

## ЧЕЧЕНИСТОНДА ОДАМ ЎҒИРЛАНМОҚДА

***Чеченистон ҳукумати раҳбари ўринбосари Мавсур Ҳамидов ҳозир ҳам тинч аҳолининг жиноий тўдалар томонидан ўғирлаб кетилаётганлигидан хавотирини билдирди.***



Унинг айтишича, жорий йилнинг ўтган 4 ойи ичида Чеченистон бўйича 245 киши бедарак йўқолган. "Уларнинг кўпчилиги жангарилар томонидан ўғирланмоқда, сўнгроқ эса биз уларнинг жасадларини топмоқдамиз. Республикадаги иккита ҳарбий кампания даврида эса 2,5 минг кишидан айрилган эдик", дея гапирган Мавсур Ҳамидов. Чеченистон жанубидаги тоғли ҳудудда эса Россия федерал кучлари Аслан Масхадов ва Шамил Басаевлар йиғин ўтказаётир, деган тахмин билан ер ости бункерини бомбардимон қилганлар. Ушбу бункер Аргун дараси яқинида 12 метр ер остида жойлашган эди.

## ЛИТВАЛИКЛАР ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАРАФДОРИ

***Литвада мамлакатнинг Европа Иттифоқига кириши бўйича референдум ўтказилди ва унда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 60 фоизи иштирок этди.***



Марказий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра, референдумда қатнашганларнинг 90 фоизи Литванинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаганлар. Литва президенти Роландас Пакшас ушбу воқеликни республика тарихидаги янги саҳифа, дея баҳолади . Литва 2004 йилнинг 1 майига қадар Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун таклиф этилган 10 та давлатнинг бири саналади, дейилади "Новости" ахборот маҳкамаси хабарида.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 13 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 629,70 | 1 Польша злотийси | 258,60 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1558,84 | 1 СДР | 1360,31 |
| 1 Дания кронаси | 151,20 | 1000 Туркия лираси | 0,65 |
| 1 БАА дирхами | 263,95 | 1 Швейцария франки | 742,41 |
| 1 АҚШ доллари | 969,37 | 1 ЕВРО | 1121,95 |
| 1 Миср фунти | 163,19 | 10 Жанубий Корея вони | 8,11 |
| 1 Исландия кронаси | 13,31 | 10 Япония иенаси | 82,96 |
| 1 Канада доллари | 699,75 | 1 Россия рубли | 31,17 |
| 1 Хитой юани | 117,12 | 1 Украина гривнаси | 181,75 |
| 1 Малайзия ринггити | 255,13 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАНОТИНИ СИЛАГАН ВАТАН

***"Тарки одат амри маҳол" деганларидек болалигимизда қалдирғоч боласини олаётганимни кўрган 90 ёшли энам бақириб берди:***

***-Тегма, уйингга гул тўкилгур, озор берма қалдирғоч болаларига...***

Энамдан кечирим сўрадим ва унга чумчуқ уяларини қандай олганликларимизни айтиб бердим. У қовоғини уюб:

-Аввало, чумчуқнинг уясини ҳам бузишинг гуноҳ, қалдирғочнинг уясини бузиш эса гуноҳларнинг энг каттаси, болам. Қалдирғоч ҳамма жойга ҳам учиб келавермайди, ҳамма жойга ҳам ин қўявермайди, - деди.

Болалигимда балки мен бу гапларнинг мағзини чақиб кўрмагандирман. Бугун эса ёшим бир жойга борганда айвонимиздаги қалдирғоч уясини кўриб энамнинг гапларини яна бир бор эсга олдим.

"...Қалдирғоч ҳамма жойга ҳам учиб келавермайди". Нақадар топиб айтилган гап. Шуниси қизиқки, гарчи қалдирғоч тонгда сайроқи тил билан сизни уйқудан уйғотиб юборса ҳам, ўзи хотиржам, осойишта ва тинч ҳовлиларни кўпроқ истаб келаркан.

Ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларим (шўролар даври эди) қалдирғочлар бизларда кўпроқ айвонларимизга, ҳаттоки ўтирадиган уйларимиз ичига уя солишини айтганимда, сафдошларим ҳайрон қолишган эди. Улар нега энди бирор дарахтга ёки бўғотларга уя солмай, айнан уйлар ичига ин қуришини сўрашганда эса елкамни қисиб қўя қолардим, тўғриси, бунинг маъносини ўзим ҳам тушунмас эдим. Энди билсам, қалдирғочлар кўпроқ осойишта юртларга учиб келаркан. Шу ердан ором топиб, ўзидан кўпайиб, келаси баҳорларгача элга барака тилаб қайтиб кетишаркан. Тумшуқларида лой ташиб битирган уяларини топиб келиши ҳам шундан экан.

**СУРУР**

...Қалдирғочлар ҳамма жойга ҳам ин қуришмайди: Бир хонадонни биламан. Икки қизи эрдан қайтиб келган, кичик ўғлининг хотини кетиб қолган, катта ўғил ичкиликка ружу қўйган, эр-хотин ойлаб бир-бирлари билан аразлаб, гаплашмайди. Яқинда бир йиғин сабаб уларнинг уйига кириб қолдим. Бошқаларни билмадиму, менинг биронта ҳам қалдирғоч уясини кўрмай ҳафсалам пир бўлди. Тўғри, мен бу билан ҳамма хонадонларда қалдирғоч уя солиши керак деган фикрдан йироқман. Лекин айнан шу хонадонга қалдирғоч уя солишини жуда-жуда истаган эдим-да.

Баҳорда юртимизга жуда кўп қушлар учиб келади. Лекин улар ичида барибир қалдирғочлар дилимизга яқинроқ, унинг ташрифидан умидлар, орзулар уйғониб кетади. Юракларда илинж пайдо бўлади. Қалдирғочлар кўклам қўшиғини бошлаб берган баҳор элчилари – бойчечаклардай кўзимизга тансиқ кўринади.

Қалдирғочлар қанотини силаган Ватан, елкамизга қўлини қўйганда баъзан кўзларингни қўярга жой тополмай қоласан, одам. Мавжудотларнинг кичик бир мўъжизаси бўлган шу митти қуш қанотига соғинч бойлаб келади-ю, биз кўз олдимиздаги Ватанни соғинишни билмаймиз, гоҳо... Шундай пайтларда қалдирғочларга айлангинг ва Ўзбекистондай юртни ҳар куни излаб келгинг келади. Шундай дамларда гўё қалдирғочлар қанотидан бир садо янграйди: Ватанни соғиниб яшамоқ керак!

**Ҳамид НОРҚУЛ**

# Комиссарнинг қисмати

**(Боши 1-бетда)**

Ўшанда юртимизда юз берган қама-қамаларнинг ўтганига ўн йил бўлган эса-да, шивирлаб айтилган бу сўз оппоққина, ёқимтой Ҳумайра опага нисбатан ачиниш ҳиссини уйғотган эди менда. Шу ҳиссиётлар қалбим тубида чўкиб ётган чоғи орадан 66 йил ўтган эса-да, Ҳумайра опа билан бийрон йигит Марат ўша йиллардаги кўринишда кўз ўнгимда намоён бўлишди ва уларнинг отаси Муҳитдин Турсунхўжаев ҳамда улар оиласи бошига тушган кўргиликлардан элни огоҳ қилиш истаги дилимда уйғонди-да мен бу опа-укани излашга тушдим.

"Изласанг топасан" – деганлари рост экан. Бу воқеаларнинг бўлиб ўтганига ярим асрдан ортиқ вақт ўтиб, мен таниган хушрўй қиз Ҳумайра Турсунхўжаева бу йиллар ичида тиббиёт институтини тамомлаб, кўп йиллар давомида Тошкент шаҳридаги даволаш ташкилотларида эл хизматида бўлиб, эндиликда нафақага чиққан. Тўрт қизни тарбиялаб ўстириб, илм бергани, узатгани, қатор набираларга бош бўлиб оиланинг суюкли онахони бўлиб даври-даврон сураётганини билдим. Йиллар эса қиладиган ишини қилиб – онаси Зуҳрахон ва икки иниси Нуритдин билан Марат ҳаётдан кўз юмган эканлар.

Бу орада ҳужжатгоҳдаги иш давом этди ва мен юрагим ўртана-ўртана, қалбим ёна-ёна отам замондоши Муҳитдин Турсунхўжаевнинг тергов ҳужжатлари билан танишаяпман..

Ҳужжатлар саркаш манба деган гапда жон бор экан. Мен ўрганган ҳужжатлар ўша қатағон йилларидаги қуйидагича манзарани кўз ўнгимда намоён этади.

Бутун иттифоқ большевиклар партияси Марказий Комитетининг 1937 йил 9 июлда қабул қилган қарори билан танишган одам советлар диёри деб аталган бепоён мамлакатда қатағон тегирмонининг ишга туширилиши шу қарорнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлганини англайди.

Унда қайд этилишича, 1937 йилнинг 5 августидан бошлаб СССР ҳудудидаги барча республикалар, автоном республикалар ва областларда советларга қарши кишилар ҳамда жиноятчиларни жазолаш ҳақида кўрсатма берилади. Жумладан, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистонда бу операцияни 1937 йилнинг 10 августидан бошлаш белгиланган. Узоқ Шарқ, Краснодар ўлкалари ҳамда Шарқий Сибир минтақасида эса 1937 йил 15 августидан бошлашга кўрсатма берилади.

Юқорида қайд этилганлардан маълум бўладики, Муҳитдин Турсунхўжаев айни шу қарорни амалга ошириш йўлида жазоланган. Лекин ўша чоғларда жазоланганларнинг саноғига етиш қийин.

Ҳужжатларнинг далолат беришига қараганда айни ўша кунларда – август ва сентябр ойлари ичида ҳибсга олинганлар анчагина экан. Муҳитдин Турсунхўжаев ҳибсга олинган куни тошкентлик шоир Тўлаган Хўжамиёров - Тавалло, ўша йилнинг 20 август куни маркилик Назир Шоабдурасулов, ундан икки кун аввал хоразмлик Илҳом Иброҳимов, 19 августда чустлик Шоғофур Шомақсудов, 21 августда тошкентлик Усмон Қурбонов, 23 августда фарғоналик Исроил Алихўжаевлар ҳибсга олинган. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Чунки унинг охири кўринмайди. Уларнинг барчаси совет тузумига қарши ташвиқот олиб бориш, Ўзбекистонни СССРдан ажратиб, мустақил буржуа давлатига айлантириш йўлида фаолият олиб боришда айбланиб, отувга ҳукм қилинганлар ва жазо тезда ижро этилган.

Муҳитдин Турсунхўжаев бошига тушган бу савдолар билан унинг тақдирига доир 5294-рақамли жиноий иш саҳифалари билан танишган бўлсам, онаси, рафиқаси ва фарзандларининг кўрган-кечирганларини қизи Ҳумайра Турсунхўжаевага тегишли хотиралар орқали билдим.

Ҳужжатда, шунингдек, Муҳитдин Турсунхўжаев ҳибсга олингач деярли бир йил давомида тергов қилингани ва унинг иши юзасидан қатор замондошлари ҳам сўроққа тортилгани баён қилиб ўтилади.

Маҳкумнинг рафиқаси Зуҳра Турсунхўжаева эридан бир ой кейин – 1937 йилнинг 2 сентябрида ҳибсга олинди. Уларга тегишли бўлган уй-жой, мол-мулк мусодара этилди. Хотини ҳибсга олингандан сўнг орадан уч кун ўтиб, фарзандлари Ҳумайра, Нуритдин ва Маратлар етимхонага жойлаштириладилар. Уч бола уч томонга тарқатиб юборилди. Ҳумайрани Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги 8-болалар қабул пунктига, Нуритдинни Туркистон шаҳридаги, олти яшар Маратни эса Қизил Ўрда шаҳридаги етимхоналарга юборишди.

Бу пайтларда эса тергов ҳали-ҳамон давом этарди. Ахийри шоҳидлар билан юзлаштиришлар ҳам тугаб, айблов хулосаси чиқарилади.

Унда кўрсатилишича, Муҳитдин Турсунхўжаев "Миллий иттиҳод" деб номланган аксилинқилобий уюшма аъзоси бўлганлиги, бу сафга у Маннон Рамзи тарафидан 1929 йилда жалб этилганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари у яна бир неча йил мобайнида Саид Абдуллахонов, Абдуллаев, Рустамов каби шахсларни шу сафга жалб этиш борасида ҳаракат олиб борганликда айбланади. Шунингдек, Муҳитдин Турсунхўжаев аксилинқилобий уюшма раҳбарларидан бири Акмал Икромовнинг яширин ташкилот фаолияти ҳақидаги мактубини Германияга юборганликда ҳам айбланади.

Айблов хулосасида Муҳитдин Турсунхўжаев аксилинқилобий миллий ташкилот топшириғига кўра савдо-сотиқ соҳасида зараркунандалик билан шуғулланганлиги – халқ орасида совет ҳокимиятига нисбатан норозиликни кучайтириш учун давлат маблағини талон-торож этишга йўл қўйганликда ҳам айбланади.

Бу айбловларга қўшимча равишда 1929-1930 йилларда Москвада таълим олаётган талабалар орасидан миллий ташкилотга янги аъзоларни жалб этиш борасида қатор тадбирлар ҳозирлаганлиги кўрсатилади. Муҳитдин Турсунхўжаев шаънига тиркалган айблар қаторида яна 1935-37 йилларда миллий ташкилот маркази топшириғига кўра Ички Ишлар Савдоси Халқ Комиссарлиги соҳасида зараркунандалик олиб борганлиги ҳам қайд этилади. Унинг бу "гуноҳлари" ўша давр Жиноят мажмуасининг 57, 57-1, 58, 63 ва 67-моддаларига тўғри келиши урғуланиб Муҳитдин Турсунхўжаевнинг иши собиқ иттифоқ Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1934 йил 1 декабрдаги қонуни қўлланган ҳолда кўрилажаги таъкидланган.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

**(Давоми келгуси сонда)**



Пахтакор тумани марказий шифохонасига қарашли "Мингчинор" қишлоқ врачлик амбулаторияси 2000 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, 5464 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Барча замонавий қулайликларга эга ушбу шифо маскани жамоасидан аҳоли мамнун.

СУРАТДА: тиш шифокори Гулсара Аҳмедова.

**Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## "НЕФТЧИ" – ПЕШҚАДАМ

***Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат XII миллий чемпионатининг 7-тур учрашувлари турнир жадвалига ўзгариш киритди.***

Очиғини тан олиш керак, ушбу тур натижалари мухлислар учун кутилмаган ҳисобларни қайд этди. Шу кунгача мағлубият нималигини билмай Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси билан бир хил очко жамғариб, пешқадам бўлиб келаётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси бу гал Наманганда "Навбаҳор"га қарши майдонда тўп сурди. Албатта, ишқибозлар ушбу баҳсда ҳам "Пахтакор"нинг ғалаба қозонишига шубҳа қилмаган бўлсалар, эҳтимол. Аммо, ҳар доим ҳам мамлакатимизнинг етакчи жамоасига муносиб рақиб саналган "навбаҳор"чилар шу куни тошкентлик футболчилар билан тенгма-тенг кураш олиб боришди. Ҳар икки томоннинг муросасиз ҳужумларига, чиройли комбинацияларига бой кечган ушбу баҳсда дарвозалар икки бора ишғол этилди. Учрашувда қайд этилган 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг "пахтакор"чиларни муҳим очколардан маҳрум этиб, турнир жадвалининг иккинчи поғонасига тушириб қўйди. Дарвозаларга голларни меҳмонлардан Копадзе, наманганликлардан Ҳасанов йўллашди. Иқтидорли мураббий Юрий Саркисян шогирдлари эса ўз майдонларида Тошкент вилоятининг "Дўстлик" жамоасини қабул қилиб рақибларини йирик – 6:0 ҳисобида мағлуб этишди. Шунингдек, Қўқон шаҳрида "Қўқон-1912" ва Муборакнинг "Машъал" жамоалари ўртасида ўтказилган учрашув 0:2 ҳисобида меҳмонлар ғалабаси билан якунланди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Насаф" – "Металлург" 3:1, "Бухоро" – "Қизилқум" 0:1, "Андижон" – "Гулистон" 3:0, "Трактор" – "Сурхон" 1:3, "Самарқанд-Динамо" – "Цементчи" 4:0.

Навбатдаги 8-тур баҳслари эртага бўлиб ўтади.

## "ОЛИМПИЯ" ЖАМОАСИ – ҒОЛИБ

***Жиззах вилоятида аёллар футболини ривожлантириш мақсадида 6 та жамоа иштирокида илк марта вилоят биринчилиги мусобақалари уюштирилди.***

Қизғин, муросасиз, ҳужумларга бой, қизиқарли кечган баҳслар якунида биринчи ўрин Жиззах Олимпия заҳиралари коллежининг "Олимпия" жамоасига насиб этди. Шунингдек, мусобақа қатнашчилари "Умид" ва "Зиёкор" жамоалари иккинчи, учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

## ИРОДА – КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

***Айни кунларда Германиянинг Берлин шаҳрида жаҳоннинг кучли теннисчи аёллари ўртасида теннис бўйича халқаро турнир ўтказилмоқда.***

Ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган теннисимиз "малика"си Ирода Тўлаганова рақибларини енгиб, навбатдаги босқичга йўлланмани қўлга киритган эди. Навбатдаги баҳсда россиялик Марат Сафиннинг синглиси Динара Сафина билан куч синашган ҳамюртимизга яна омад кулиб боқди. Муросасиз ўтган беллашувда уч сет натижаларига кўра, 6:4, 6:3, 3:6 ҳисобида ғалаба қозониб, кейинги босқичга йўлланма олди.

## АМАЛДОРЛАРНИНГ "ҲАВАС"И

***Раҳбар ходимлар ўртасида ташкиллаштирилаётган "Ҳавас" теннис турнири йилдан-йилга қизиқарли ва муросасиз кечмоқда.***

Куни кеча Сурхондарё вилоятида теннис бўйича ташкиллаштирилган "Ҳавас" турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими ҳамда ўринбосарлари, туманлар ҳокимлари, ўринбосарлари, корхона-ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ушбу турнир якунида ғолиблар ва совриндорлар вилоят теннис федерациясининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

## ЁШ ШОҲМОТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Яқинда пойтахтимиздаги "Боғи эрам" номли маданият ва истироҳат боғида ўзбек шоҳмоти ривожига катта ҳисса қўшган инсон марҳум Мамажон Муҳиддинов хотирасига бағишлаб иккинчи марта турнир уюштирилди.***

Унда Тошкент шаҳридаги спорт мактабларида таҳсил олаётган иқтидорли ёш шоҳмотчилар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Чиройли комбинацияларга, муросасиз баҳсларга бой тарзда кечган ушбу мусобақа якунида ғолиблар мутасаддиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 97-мактаб томонидан 2000 йили Баратова Камола Ураковна номига берилган OR-A№884472 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Yangi Nihol" МСНЈ тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел.: 54-54-03.

Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимлигининг савдо департаменти томонидан 2000 йил 8 январда № 181-рўйхат рақами билан Ҳамидхўжаев Алишер Қудратхўжаевич номига берилган № 002761 рақамли савдо рухсатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 36-мактаб томонидан 2002 йил 20 июнда Рисбаева Айгул Оринбаевнага берилган O'B-Z №1389772 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси бош мутахассис Тимофей Сергеевич Сонга падари бузруквори **Сергей СОН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

**(Боши 1-бетда)**

Замонавий талаблар даражасида, бутунлай янгича мазмунда қайта ташкил этилган ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими фаолияти бунга мисол бўла олади. Кўплаб туманларда давлат маблағи ҳисобидан барча шарт-шароитларга эга бўлган гўзал ва муҳташам касб-ҳунар коллежлари қад ростламоқда. Уларда республикамиз иқтисодиётининг турли тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Ҳозир биргина Навоий вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 26 та таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Шундан 15 та касб-ҳунар коллежлари "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган иккинчи сифат босқичи талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги ўқув техника воситалари билан жиҳозланган.

Вилоятдаги мавжуд коллеж ва академик лицейларда 18 мингдан зиёд ёшлар 79 мутахассислик йўналишлари бўйича таҳсил олишаяпти. Уларга 1384 нафар педагог ва муҳандис-педагоглар сабоқ беришаяпти. Эътиборли жиҳати, уларнинг 158 нафарини олий тоифали ўқитувчилар, 12 нафарини фан номзодлари ва 3 нафарини фан докторлари ташкил этади. Шунга яраша, билим масканларида дарс сифати ва савияси ҳам анча юқори бўлаяпти.

Бошқарма тасарруфидаги таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан етарлича таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Айни пайтда 320 минг нусхадан зиёд ўқув адабиётлари мавжуд. Умумтаълим фанлари, махсус фанлар, бадиий, сиёсий адабиётлар, услубий қўлланмалар шулар жумласидандир. Ўз навбатида, ўқитувчилар томонидан тайёрланган 620 дан кўпроқ маърузалар матнларидан дарслар жараёнида самарали фойдаланиляпти. Ўқув юртлари сармоясидан ташқари топилган маблағлар ҳисобидан эса 263 номдаги китоблар олинди. Таълим жараёни қозоқ тилида олиб борилаётган Томди қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига эса 1 миллион 630 минг сўмлик дарслик ва бадиий адабиётлар олиб берилди.



Иқтидорли ёшлар – эртанги келажагимиз. Буни инкор этиб бўлмайди. Навоий вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси тизимидаги билим масканларида таҳсил олаётган ёшлар орасида ҳам бундай талабалар кўплаб топилади. Айни чоғда бу ердаги лицей ва коллежларда 250 нафар иқтидорли ўқувчилар республика илмий-амалий анжумани ва мамлакат бўйича фан олимпиадаларида иштирок этиш учун қизғин тайёргарлик кўришаяпти. Улардан 92 нафари фан олимпиадаларининг вилоят босқичларида фахрли ўринларни эгаллаб, ана шундай имкониятга эга бўлишган. Навоий академик лицейи, Кончилик коллежи, шу шаҳардаги 19-лицей-интернатда бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, 44 нафар ўқувчиларнинг илмий ишлари республика Давлат фан ва техника қўмитасининг илмий-амалий анжуманида ҳимоя қилиш учун тавсия этилди.



-Биз Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда талабаларга бозор иқтисодиёти шароитида зарур бўладиган билим ва кўникмалар берувчи таълим тизимини яратишда қўл келадиган халқаро лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилаяпмиз, - дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Баҳодир Собиров. – Осиё Тараққиёт банкининг 2001-2005 йилларга мўлжалланган 132 миллион АҚШ долларилик лойиҳаси шулар жумласидандир. Унинг 52 миллион долларини мазкур банкнинг кредит лойиҳаси ташкил этади. Лойиҳада бир қанча касб-ҳунар коллежлари ва 3 та академик лицейларга ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Мазкур ҳужжат 45 модел ўқув юртларини ривожлантириш, директорлар ва ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув-услубий материаллар тайёрлаш ва соҳани ривожлантириш, бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш сингари вазифаларни қамраб олади. Ҳозирги пайтда мазкур кенг кўламли вазифаларни тўлақонли амалга оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

**Ғ.МУҲАМЕДОВ**

***

Х.ШОПЎЛАТОВ олган суратлар.

# ХУДОГА ЁҚМАГАН ҚИЛИҚ

***Айтишларича, ўтган аср бошида Қорабой қурумсоқ лақабли уч минг қўйли бой яшаган.***

**РИВОЯТ**

У шунчалик бадавлат эса-да, ўта зиқналиги ҳамда шафқатсизлиги орқали "донг" таратган экан. Қорабой қўй-қўзиларининг ҳисобини қатъий олиб борар экан, мабодо, улардан бирортаси ўлса ёки йўқолса, чўпонларини қаттиқ жазолаган, бундай хатога йўл қўйганларни қийноққа солиш жараёнини ўзи кузатиб турган, дейдилар.

Кунлардан бир кун Қорабой қурумсоққа қозига пора учун семиз қўчқор керак бўлибди. У эрталабдан кечгача барча сурувларини оралаб чиқиб, бирортаям қўйни ажратиб олишга кўзи киймапти, ҳаммаси бир-биридан яхши кўринаверибди. Шунда бой хаёлига келган фикрдан қувониб кетибди.

-Омонмурод, кўк қўчқорингни менга бер, зарур бўлиб қолди, - дебди у чўлик-ларидан бирини ёнига чақиртириб.

-Менинг биттаю битта қўчқоримга кўз тикдингизми, агар жудаям қўймасангиз бошқа совлиқ берайин, йўқса, меникиданам зўр қўчқорлар ўзингиздаям тиқилиб ётибди-ку, бой бова, - жавоб қайтарибди Омонмурод алам билан.

Бой чўлиғининг норозилигига қарамасдан унинг қўчқорини мажбуран олиб, тегишли жойга элтибди. Унинг бу номаъқул қилиғи Худога-да ёқмабди, шекилли, Қорабой изига қайтаётганида отдан йиқилибди ҳамда бўйни синиб, тил тортмай ўлибди. Қурумсоқнинг минглаб қўй-қўзилари эса бола-чақаларигаям насиб қилмай, талон-торож бўлиб кетибди.

**Бердиёр ЖУМАЕВ**

# ҚАБРГА СИҒМАГАН МАЙИТ

***Ҳаётимизда шундай воқеалар учрайдики, унинг сир-асрорларини билишга кўп ҳам ақлимиз етавермайди. Бухоро шаҳридаги хотин-қизлар мадрасаси директори Мавлуда Муҳиддин қизи айтиб берган воқеа ҳам ғаройиблиги билан эътиборимни тортди.***

**СИНОАТ**

-Ҳузуримга келган аёллардан бирининг тоғаси Лоша деган қишлоқда яшар экан. Шу кишининг 27 ёшли қизи вафот этади. Хотини "Қизим бу дунёда ҳеч нимани кўрмади" деб қабр ичига чўғдек яп-янги кўрпа-ёстиқ солиб жасадни кўмдиради. Не ажабки, одамлар ҳали қабристондан тарқамай туриб сағана ўпирилиб тушади.

-Орадан анча вақт ўтиб, - давом этди кўзда ёш билан ўша аёл, - эрим вафот этди. Майитни қабристонга олиб кетдилар. Аммо анча ҳаяллаб қолдилар. Одамлар қайтгач, ўғлимдан кўп қолиб кетганларининг сабабини сўрадим. Шунда ўғлим йиғлаб "Онажон, отам не гуноҳ қилган эдики, унинг жазосини ўз кўзим билан кўрдим" деса бўладими?

Унинг айтишича, гўрков қазиган қабрдан харсанг тош чиққан. Қайта қазилган иккинчи қабрга эса майит сиғмагач, гўрков белкурак билан қабрни кенгайтирган экан. Шунда ҳам майит қабрга сиғмаганини кўрган қазо қилган кишининг яқинлари "Тузукроқ қазисанг бўлмайдими, пулини оласан, қанча десанг берамиз" дея хуноб бўлишибди. Гўрков эса "Эй, хом сут эмган бандалар, бу ишни мен пул учун эмас, савоб учун қиламан. Қабристонда кўрадиган сир-асрорларни одамларга айтсам, улар ишонмай мени жиннига чиқариб қўядилар. Ундан кўра, Аллоҳдан сабр-қаноат тилаб майит учун истиғфор айтиб, калима келтиринглар" деб айтибди.

Шу тариқа жасадни бир амаллаб қабрга қўядилар.

Энди гапни Мавлуда опадан эшитинг.

-Ота-онаси жиянингни дам олишга эмас, охират уйига юбораётиб кўрпа-тўшак солгани учун қабр ўпирилган, дедим, - дейди у киши. – Чиндан ҳам, баъзи кишиларнинг қабр устига зилдек оғир тошни қўйиб, марҳумнинг суратини мармарга тушириб, азани тўйга айлантириб қўяётганликлари етмасмиди?!

-Эрингиз-чи, у қандай одам эди, деб сўрадим. Аёлнинг айтишича, улар 24 йил бирга яшашган. Аммо, раҳматли бирор кун ҳам хотинини ўзига дўст деб билмаган. Жуда хасис, феъли тор одам бўлган. Аёл фарзандларини ўйлаб, андиша қилиб яшаган. Дунёнинг бутун оғирликларини, ҳаёт ташвишларини хотин, бола-чақа бошига ташлаб қўйганнинг жазоси шу бўлса керак-да, оқибатда қабрга сиғмабди.

Ҳа, ёмон кишининг ажрини Аллоҳ бу дунёда бермаса ҳам, у дунёда албатта, беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

# ТАМАДДИ ВАҚТИДА ЎҚИМАНГ

***Овқат ҳазм бўлиши мураккаб физиологик жараён ҳисобланади.***

**МАСЛАҲАТ**

Овқат ошқозонга тушмасдан олдин ферментларга бой меъда шираси ажралади, бу иштаҳа очилиши билан бир пайтда рўй беради. Иштаҳа овқат ҳазм бўлиши жараёнига яхши таъсир қилади.

Овқатланаётган пайтда китоб ёки газета ўқилса, ҳазм безлари иши ва меъда шираси ажралиши тормозланади, иштаҳа йўқолади. Луқмани чала-чулпа чайнаб ютади. Чала чайналган овқат меъдага тушиб, яхши ҳазм бўлмайди. Бундай ҳолатлар гастрит, яра касаллиги, меъда ости бези яллиғланишига олиб келиши мумкин.

Овқатланаётган пайтда ўқиётган одам кўзини дастурхондан газета ёки китобга тез-тез олишга мажбур бўлади, бунда текст билан дастурхон орасидаги масофа тез-тез ўзгарганидан кўз бунга мослашиши керак бўлади. Натижада кўзга оғирлик тушади. Шуни ҳам унутмаслик кераккки, дастурхон устида бирор нарса ўқиб ўтириш, атрофдаги кишиларга, овқат пиширган одамга нисбатан ҳурматсизлик ҳамдир. Зеро японлар кишининг фаросати овқатланганда билинади, дея бежиз айтишмаган.

**Хонбиби МАҲАМОВА**

Бош муҳаррир **ЎТКИР РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: **Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** – 136-58-83, 133-09-93 **(факс)**, 133-40-87 **(факс), бош муҳаррир ўринбосарлари** – 133-16-27, 133-44-43, **котибият** - 136-56-30. **Ижодий гуруҳлар:** 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – 8-361-58-512-17; **Андижон** - 8-374-2-25-32-23; **Бухоро** – 8-365-22-648-22; **Жиззах** – 8-372-22-648-72; **Навоий** - 8-436-22-588-56; **Наманган** - 8 - 369-43-311-81; **Фарғона** – 8-373-61-221-97; **Самарқанд** - 8-366-233-00-52; **Сурхондарё** - 8-376-46-526-61; **Сирдарё** - 8-367-225-41-73; **Тошкент** – 8-371-136-56-21; **Хоразм** – 8-362-22-523-50; **Қашқадарё** – 8-375-22-517-65.

**Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар**

**Навбатчи:** Х.ПАНЖИЕВ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

**Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади**

**Буюртма Г-381, ҳажми 2 босма табоқ.**

**Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.**

**Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 18 236**

**Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.**

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

**E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com**